

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САПАРБАЕВА ГУЛАНДАМ МАШАРИПОВНА**

**ОҒЗАКИ МУЛОҚОТ АКТИ ВА УНИНГ ЛЕКСИК-ГРАММАТИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2021**

УЎК: 811.512.133'36-25

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Сапарбаева Гуландам Машариповна**

Оғзаки мулоқот акти ва унинг лексик-грамматик хусусиятлари .....3

**Saparbaeva Gulandam Masharipovna**

Oral Communication Act and its Lexical-grammatical Features .....28

**Сапарбаева Гуландам Машариповна**

Устно-коммуникативный акт и его лексико-грамматические особенности .....52

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....58

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САПАРБАЕВА ГУЛАНДАМ МАШАРИПОВНА**

**ОҒЗАКИ МУЛОҚОТ АКТИ ВА УНИНГ ЛЕКСИК-ГРАММАТИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Fil1414 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз ва рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.urdu.uz](http://www.urdu.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Дўсимов Зариббой**  
Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Худайберганова Дурдона Сидиковна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Ўразбоев Абдулла Дурдибаевич**  
филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» «июнь» соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 220100, Урганч ш., Ҳамид Олимжон кўчаси, 14) Тел: (+998 62) 2246680; Fax: (+998 62) 224 6700; e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz)).

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч ш., Ҳамид Олимжон кўчаси, 14. Тел.: (+998 93) 9227734 e-mail: [arm@urdu.uz](mailto:arm@urdu.uz).)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» июнь куни тарқатилди.  
(2021 йил «07» июндаги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**О.Қ. Гайлиева**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси в.б., филол. ф.д. (DSc), доцент

**С.М. Сариев**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби, филол. ф.д. (DSc), доцент

**С.Р. Рўзимбоев**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш ҳовидаги Илмий семинар раиси, филол. ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида интегратив лингвистиканинг лингвокультурология, когнитив тилшунослик, этнолингвистика, прагмалингвистика, дискурс ва коммуникатив тилшунослик йўналишлари изчил ривожланиб бормоқда. Коммуникатив тилшуносликка оид тадқиқотларда оғзаки мулоқот акти, оғзаки мулоқот тили, коммуникатив грамматика ва коммуникатив лексика оғзаки дискурснинг таркибий қисмлари эканлиги аниқланган. Айниқса, нутқий фаолият лингвистикаси, нутқ маданиятининг назарий асослари, нутқ жараёни семантикаси, матннинг тил ва нутқ бирликлари қиёсий таҳлилига бағишланган тадқиқотлар кўлами тобора кенгаймоқда. Оғзаки мулоқотда содир бўладиган когнитив жараёнларни аниқлаш натижасида оғзаки мулоқотдаги тил бевосита ва билвосита инсонларнинг тафаккури ҳамда ижтимоий фаолияти билан боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирги замон дунё тилшунослигида лингвистик илмий тадқиқотлар камровини объектдан субъектга йўналтирувчи, унда инсон ва унинг фаолиятини тилнинг барча сатҳларидаги қарашларда энг муҳим етакчи ғояга айлантирувчи антропоцентрик парадигма назарияси шаклланмоқда. Тадқиқотлар тилнинг моҳияти ва хусусиятларини тўлиқ англаш, мулоқотдаги тил имкониятлари ва унинг мазмунини тушуниш, оғзаки мулоқот матнининг назарий муаммолари, жумладан, нутқ ва тил белгилари, тил ва инсон омили, оғзаки мулоқот акти ва унинг лексик-грамматик хусусиятларини ойдинлаштириш каби вазифаларни кўймоқда. Айни пайтда тилшуносликнинг янги парадигмаларига асосланган бундай тадқиқотлар ўзбек тили оғзаки мулоқот актининг лексик, семантик ва грамматик хусусиятларини лингвомаданий аспектда тадқиқ этиш учун ҳам долзарб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистонда маънавий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, жумладан, она тилини ҳар жиҳатдан тараққий эттириш ва унинг қўлланиш кўламини кенгайтиришга сўнгги йилларда алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, «она тили – миллат маънавиятининг мустаҳкам пойдеворидир... Туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг тарихи халқимизнинг кўп асрлик кечмиши, унинг орзу-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва ғалабалари билан чамбарчас боғлиқдир... Давлат тили масаласи миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарур.»<sup>1</sup> Бу борада ўзбек тилидаги оғзаки мулоқот актининг лексик-грамматик хусусиятларини инсон омили, тафаккур тарзи ва ижтимоий фаолияти билан боғлиқликда тадқиқ этиш оғзаки мулоқот тилининг лексик қатламининг бойиб бориш манбаларини аниқлаш каби йўналишларда илмий-тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Mirziyoyev Sh. Davlat tili masalasi milliy g'oyamizning asosiy tamoyillaridan biri bo'lishi zarur // Prezident nutqi <http://xs.uz/uz/post/prezident-shavkat-mirziyoevning-o'zbek-tiliga-davlat-tili-maqomi-berilganining-o'ttiz-yilligiga-bag'ishlangan-tantanali-marosimdagi-nutqi>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида муайян тилнинг кундалик оғзаки мулоқоти хусусиятлари борасидаги тадқиқотлар дастлаб ўтган асрнинг 20-йилларида юзага кела бошлаган бўлиб, нутқий акт назариясига Ж.Остин<sup>2</sup> томонидан асос солинган. Кейинчалик Ж.Аитчисон<sup>3</sup>, Н.Волфсон<sup>4</sup>, Ж.Р.Сеёрл<sup>5</sup>, Д.Г.Элис<sup>6</sup>, Ж.Ричардс<sup>7</sup>, Д.Вандервекен<sup>8</sup>, Л.Витгенштейн<sup>9</sup>, Г.Ж.Варнок<sup>10</sup>, Н.Хомский<sup>11</sup> қарашларида ва илмий ишларида атрофлича ўрганилиб, унинг исталган бир тилнинг муҳим қисми сифатидаги аҳамияти кўрсатиб берилган.

<sup>2</sup> Austen J.L. How To Do Things With Words, Cambridge, Massachusetts: Harvard University Press, 1975. – P.184.

<sup>3</sup> Aitchison J. Linguistics. – London: Hodder and Stoughton, 1993. – P. 133

<sup>4</sup> Wolfson N., Perspectives in Sociolinguistics and TESOL. – Boston: Heinle and Heinle Publisher, 1989. – P. 55-78.

<sup>5</sup> Searle J.R. Speech acts: an Essay in the Philosophy of Language. – Cambridge: Cambridge University Press, 1969. – P. 54-71.

<sup>6</sup> Ellis D.G. From Language to Communication. – New Jersey: Lawrence Erlbaum Associate Publishers, 1992. – P. 139.

<sup>7</sup> Richards J.C. Language and Communication. – New York: Longman, London, 1983. – P. 473.

<sup>8</sup> Вандервекен Д. Небуквальные речевые акты. В кн.: Концептуализация и смысл. – Новосибирск: Наука, 1990. – С. 31 – 61.

<sup>9</sup> Витгенштейн Л. Философские исследования // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVI. – М.: Прогресс, 1985. – С.79 – 128.

<sup>10</sup> Warnock G.J. Some Types of Per-formative Utterances, In Warnock G.J. (ed. Essays on J.L. Austin, 1973. – P. 69 – 89.

<sup>11</sup> Chomsky N. Language and Mind. – Cambridge: Cambridge University Press, 2000. – P. 88.

Туркий тилшуносликда оғзаки мулоқот матни борасидаги масалалар ўтган асрнинг 80-йилларида бошланган бўлса-да, бошқа тиллар, хусусан, инглиз, немис, рус, япон, араб тилларининг коммуникатив имкониятлари тадқиқига бағишланган ишларда уларнинг туркий тилларга муносабати таҳлилида берилган маълумотлар инобатга олинса, мавзунинг ўрганилганлик даражаси жаҳон тилшунослигида маълум маънода ўз тарихига эга эканлиги маълум бўлади<sup>12</sup>.

Шунингдек, ўзбек тилшунос олимлари семантика, прагмалингвистика, когнитив лингвистика, дискурс тилшунослик, лингвокультурология, психоллингвистика соҳаларида олиб борган тадқиқотларида оғзаки мулоқотдаги тил масаласини лисоннинг нутқий фаолияти масалалари, сўзлашув тили, нутқ маданияти, нутқий одат масалалари каби мавзулар доирасида санаб ўтганлар. Жумладан, Ҳ.Неъматов<sup>13</sup>, А.Нурмонов<sup>14</sup>, Б.Ўринбоев<sup>15</sup>, С.Халдарова<sup>16</sup>, Ш.Раҳматуллаев<sup>17</sup>, Э.Бегматов<sup>18</sup>, Н.Маҳмудов<sup>19</sup>, Ш.Сафаров<sup>20</sup>, Д.Ашурова<sup>21</sup>, Г.Х.Боқиева<sup>22</sup>, М.Ҳакимов<sup>23</sup>, О.О.Бозоров<sup>24</sup>, А.М.Бушуй<sup>25</sup>, А.Примов<sup>26</sup>, С.Мўминов<sup>27</sup>, Ҳ.Мусулмонова<sup>28</sup> ва бошқа кўплаб замонавий тилшунос олимларнинг илмий мақола, рисолаларида оғзаки мулоқот матни тилшуносликнинг долзарб масалалари сифатида эътироф этилган.

<sup>12</sup> Горохова С.И. Фрейм-подход к описанию процесса порождения речи // Речевые обшения: цели, мотивы, средства. – М., 1985. – С.89-102; Грайс Г.П. Логика и речевая общение. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Высшая школа Лингвистическая прагматика. – М.: Прогресс, 1985. – С. 217-23; Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1989. – С. 311.

<sup>13</sup> Неъматов Ҳ., Воҳидова Н., Тоирова Г. Структурал тилшуносликдан прагмалингвистикага // Хорижий филология. – № 4, 2007. – Б. 38 – 41.

<sup>14</sup> Нурмонов А., Ҳакимов М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. – № 4. – Б.54 – 58.

<sup>15</sup> Б. Ўринбоев. Ҳозирги ўзбек сўзлашув нутқи. 1-2 қисм. – Самарқанд: СамДУ босмахонаси, 2006. – Б. 132.

<sup>16</sup> Халдарова С. Семантико-структурные особенности диалогической речи в современном узбекском языке. АКД. – Ташкент, 1974. – С.5.

<sup>17</sup> Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. – Тошкент, 1970. – Б. 48 –52.

<sup>18</sup> Бегматов Э. Нотиқнинг нодир бойлиги. – Тошкент, 1980. – Б. 43.

<sup>19</sup> Маҳмудов Н. Нутқнинг жўялиги // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. – №3. – Б. 9-13-17; Шу муаллиф. Тил. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. – Б.40.; Шу муаллиф. Ўзимиз ва сўзимиз. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997. – Б. 112.

<sup>20</sup> Сафаров Ш. Речевые действия этноспецифической личности // Личностные аспекты языкового общения. – Калинин: КГУ, 1989. – С. 62 – 67; Его же. Система речевого общения: универсальное и этноспецифическое. – Самарқанд: Г.Гулям, 1991. – С. 171. Шу муаллиф. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 91; Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. –Б. 77, 99, 135.

<sup>21</sup> Ashurova D. Language and Culture Studies // Хорижий филология, 2006. –№4. – Б.11-14.

<sup>22</sup> Бақиева Г. Х. Лингвистические основы анализа художественного текста. Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Ташкент: Уз ГУМЯ, 1993. – С. 46.

<sup>23</sup> Ҳакимов М. Нутқий актлар назарияси. – Фарғона, 2020. – Б. 118.

<sup>24</sup> Бозоров О.О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив (актуал) тузилиши. Филол. фанл.номз... дисс. автореф. – Фарғона, 2004. 21 б.

<sup>25</sup> Бушуй А.М. Язык в семантико-грамматическом ракурсе (у истоков лингвопрагматики) // Ҳозирги дунё лисоний қиёфаси ва тилшуносликнинг методологик асослари. – Самарқанд: СамДҶТИ, 2007. – С. 12 – 19.

<sup>26</sup> Primov A. Tilshunoslikning dolzarb masalalari. O'quv qo'llanma. – Urganch, 2016. – В. 61 – 65.

<sup>27</sup> Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг жинс жиҳатидан хосланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 1999. – №5. – Б. 64-66; Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Филол. фан. док. ... дис. автореф. – Тошкент, 2000. 44 б. Коммуникантларнинг ижтимоий роли ва нутқий мулоқот ҳақида // Услубшунослик ва фразеологиянинг долзарб муаммолари. – Самарқанд: СамДУ, 2007. – Б. 70 –72.

<sup>28</sup> Мусулмонова Н.Р. Грамматик шаклларда категориялар, ёндош ва ҳамроҳ маъно (замон ва майл категориялари мисолида). Филол.фанлари номзодлик диссертацияси. НДА. – Тошкент, 2007. – Б. 25.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тилидаги оғзаки мулоқот актининг типларини аниқлаш, социолингвистик тадқиқотларда инсоннинг тафаккур тарзи ва ижтимоий фаолияти, индивидуал лексикони, объектга муносабати, мулоқот жараёнидаги ўрни – инсон омили ва лингвокультурологик асосларини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек тили оғзаки мулоқот актининг лексик ва грамматик хусусиятлари ҳамда қўлланилиш тамойилларини ўрганиш;

оғзаки нутқ матнини тилнинг тартибли тизими сифатида таҳлил қилиб, мазмунли мулоқот актларининг турли типлари яралишида амал қиладиган лисоний тамойилларни аниқлаш;

ўзбек тилидаги оғзаки мулоқот акти типлари лексик бирликларини коммуникатив лингвистик жиҳатдан тадқиқ қилиш ва уларни функционал гуруҳларга ажратиш;

оғзаки нутқ бирликларининг лексик, семантик ва грамматик хусусиятларини мулоқотдаги нутқий фаолият жараёни контекстида тавсифлаш;

икки ёки ундан ортиқ суҳбатдошлар мулоқот актининг бир-бирига боғланиш тартибидаги лингвистик ва экстралингвистик омилларни аниқлаш;

ўзбек тилидаги оғзаки мулоқот актнинг расмий ва норасмий мулоқот типлари оппозицион жуфтлигини қиёсий жиҳатдан синхрон аспектда тадқиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек адабий тилида яратилган луғатларга киритилган ва кундалик мулоқотда қўлланиладиган лексик бирликлар, функционал грамматикага оид адабиётлардаги сўзлашув услубига хос жумлалар, телевидение ва радиодастурлардаги мулоқотларнинг аудио ҳамда видеоёзувлари, шунингдек, ўзбек тилида мулоқот қилувчи турли соҳа вакилларининг нутқидан келтирилган намуналари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида оғзаки мулоқот актига мансуб лексик бирликлар ва грамматик воситаларнинг когнитив-лингвистик ҳамда коммуникатив хусусиятлари танланган.

**Тадқиқотнинг усуллари** сифатида тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, статистик таҳлил, стилистик ва лингвомаданий таҳлил, антропоцентрик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жаҳон тилшунослигида умумэътироф этилган Ж.Остин ва Ж.Сеёрлнинг нутқий акт назариялари асосида ўзбек тилидаги оғзаки мулоқот актига мансуб дискурслар социолингвистик жиҳатдан лексик-грамматик қатлам эканлиги далилланган;

ўзбек тилидаги оғзаки мулоқот актлари «муаллиф – мулоқот акти – уни келтириб чиқарувчи асл сабаб» асосида шаклланиши ҳамда коммуникатив



жараёни белгиловчи оғзаки мулоқот нутқи локуция, иллокуция ва перлокуция актлари тарзида таснифланиши асосланган;

оғзаки мулоқот актида мулоқот иштирокчилари фойдаланадиган лексик бирликлар индивидуал, ижтимоий гуруҳ ва умумхалқ тили лексиконига ажратилган ҳамда уларнинг контекстуал ва концептуал категориялардан иборатлиги аниқланган;

ўзбек тили оғзаки мулоқот актининг такрорий, бошқарувчи, тасдиқ, ифодаловчи ва мослаштирувчи лингвистик бирликлари аниқланиб, коммуникатив дискурсга мансуб мурожаат шакллари анафорик, катафорик ҳамда экзофорик турлардан иборатлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

жаҳон тилшунослигининг энг янги назарий концепцияларини татбиқ этиш асосида ўзбек тили оғзаки мулоқот актини белгиловчи лексик бирликлар таснифланган ва уларнинг лексик-грамматик хусусиятлари ёритилган;

оғзаки мулоқот акти таҳлили асосида ўзбек тилшунослигида сўзлашув услубига хос деб ҳисобланган жумлалардаги гап бўлаклари тартибининг ўзгариш тамойиллари ва сабаблари аниқланган;

ўзбек ва бошқа тилларни ўрганувчилар учун яратилган сўзлашгичларда келтирилган оғзаки нутқий акт намуналарига хос хусусиятлар кўрсатиб берилган;

ўзбек тили оғзаки мулоқот актидаги мурожаат шакллари, шунингдек, гап бўлаклари тартиби масаласига аниқлик киритилган;

оғзаки мулоқот актида субъектнинг диктумга муносабати лексик-грамматик воситалар орқали ифодаланиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда қўлланилган усуллар, назарий маълумотлар жаҳон тилшунослигида умумэътироф этилган илмий манбалардан олинганлиги, тадқиқот иши доирасида таҳлилга тортилган материаллар кундалик мулоқотдаги ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик мукамаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг долзарблиги ва аниқлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оғзаки мулоқот акти назариясини янада ривожлантириш, мулоқот акти билан боғлиқ ечимини кутаётган муаммоларни атрофлича ўрганиш, ўзбек оғзаки мулоқот актини белгиловчи лексик бирликлар ҳақидаги янги қарашларни такомиллаштириш, оғзаки мулоқот актидаги мурожаат шакллари, шунингдек, сўз тартиби масаласига тилшуносликнинг янги парадигмаларига асосланган ҳолда ёндашишнинг самарали натижалар беришига ишонтариш учун хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ўқув юрти филология факультетлари талабаларига коммуникатив лингвистика, социолингвистика, прагмалингвистика, когнитив тилшунослик, ҳозирги ўзбек адабий тили, нутқ маданияти каби фанлардан махсус курс ва семинарлар ташкил қилишда,

дарслик ва қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оғзаки мулоқот акти ва унинг лексик-грамматик хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбек тилидаги оғзаки мулоқот актлари расмий ва норасмий типларга бўлиниши ҳақидаги илмий хулосалари ҳамда коммуникатив жараёни белгиловчи лексик бирликларга нисбатан оғзаки мулоқотнинг дискурс белгилари атамасини қўллашга доир назарий умумлашмасидан Урганч давлат университетининг Эрасмус + дастурининг 561574-EPP-1-2015-1-ES-EPPKA2-SBHE-JP-ECCUM: «Establishment of Computing Centers and Curriculum Development in Mathematical Engineering Master programme» номли лойиҳаси доирасидаги «Виртуал мулоқот» курсини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 89-03-5592-сон маълумотномаси). Натижада тил ва нутқ бирликларини замонавий тилшуносликнинг антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида таҳлил этиш методикаси такомиллаштирилиб, расмий ва норасмий оғзаки мулоқот матнининг грамматик ва лексик-семантик воситалари деривацион аспектининг назарий ҳамда амалий асослари ўқув амалиётига татбиқ қилинган;

Ўзбек тилидаги оғзаки мулоқот актига мансуб дискурслар социолингвистик нуқтаи назардан алоҳида лексик-грамматик қатлам эканлиги ҳақидаги илмий хулосалардан Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалида 2017-2020 йилларда бажарилган ФЗ-2016-0908165532-рақамли «Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси» номли фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 13 январдаги 89-03172-сонли маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ тили оғзаки мулоқот актига мансуб лисоний материалларнинг лингвомаданий ва социолингвистик хусусиятларини ойдинлаштиришга эришилган;

Ўзбек тилининг оғзаки мулоқот акти такрорий, бошқарувчи, тасдиқ, ифодаловчи ва мослаштирувчи лингвистик бирликлардан иборатлиги тўғрисидаги илмий-назарий хулосалари, шунингдек, оғзаки мулоқот жараёнида мослаштирувчи дискурс маркерларининг қўлланиш ўрнига оид тавсиялардан «Ичан-қалъа» гид ҳамроҳлар фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 6 январдаги 05-12-08-50-сон маълумотномаси). Натижада «Ичан-қалъа» давлат музей кўриқхонасида фаолият олиб борадиган гидларнинг оғзаки нутқий мулоқот жараёнида сўз ва сўз бирикмалари луғавий маъно доирасидан чиқиб, контекстуал маъно ҳосил қилувчи турли стилистик воситалардан фойдаланиш малакасини шакллантиришга эришилган;

Ўзбек тили оғзаки мулоқот актидаги коммуникатив дискурсга мансуб мурожаат шакллариининг анафорик, катафорик ва экзофорик турлардан

иборатлиги ҳақидаги илмий хулосаларидан Хоразм вилояти телерадиокомпаниясининг «Тилимизни ўрганамиз» кўрсатувлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Хоразм вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 4 декабрдаги 1555-сон маълумотномаси). Натижада адабий-бадиий, маънавий-маърифий дастурларда ўзбек тилининг нуфузи, ривожланиш жараёнлари, жонли сўзлашув жараёнидаги оғзаки нутқий мулоқотда она тили бойлигининг ақс этиши билан боғлиқ масалаларни атрофлича ёритиш имконияти яратилган;

оғзаки мулоқот актида фойдаланиладиган лексик бирликлар индивидуал, ижтимоий гуруҳ ва умумхалқ тили лексиконига мансублиги ҳамда семантик жиҳатдан контекстуал ва концептуал категорияларга бўлинишига доир илмий-назарий хулосалардан Хоразм Маъмун академиясида 2017 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 мартдаги 49-баёни асосида хўжалик шартномаси асосида амалга оширилган «Огаҳий томонидан форс тилидан ўзбек тилига таржима қилинган «Ахлоқи муҳсинийн» асарини табдил қилиш, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш» лойиҳасида асар матнида учрайдиган сўзларни тўғри табдил қилиш ва изоҳлашда фойдаланилган (ЎЗР ФА Хоразм Маъмун академиясининг 2020 йил 16 ноябрдаги 169/2-20-сон маълумотномаси). Пировардида ушбу асарлар луғат қисмида келтирилган сўзларнинг этимологик, лексик-семантик изоҳи янада мукаммаллашган, китобхонга тушунарлилик даражаси ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот иши натижалари 11 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 8 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларда маъруза сифатида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш нашр этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шундан 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда илмий атамалар шарҳидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 157 саҳифадан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Оғзаки мулоқот матнининг назарий муаммолари**» деб номланган бўлиб, уч бўлимдан ташкил топган. Бобнинг “*Оғзаки мулоқот тили ҳақидаги лингвистик қарашлар*” бўлимида мавзу юзасидан жаҳон тишунослигидаги лингвистик қарашлар, хусусан, Ф.де Соссюрнинг нутқ ва тил белгилари борасидаги фикрлари, А.Гумбольдтнинг тил ва инсон омили борасидаги мулоҳазаларидан тортиб, замонавий жаҳон тилшунослигидаги акт назариялари муаллифлари Ж.Сеёрл, Ж.Остин, А.Киклевич ҳамда ўзбек тилшунослиги намояндлари А.Нурмонов, Ш.Сафаров, Н.Маҳмудов каби тилшунос олимларнинг назариялари тадқиқи баён қилинган. Ушбу бўлимда ҳозирги белгилар назариясининг системасини уч сатҳда – семантик, синтактик ва прагматик аспектда ўрганиш ҳақидаги принциплари тил тизимига ҳам, тил белгисига ҳам алоқадор эканлиги кўрсатиб берилган.

Коммуникатив лингвистиканинг дескриптив методига асосан шуни таъкидлаш мумкинки, оғзаки мулоқот – бу лингвистик муносабатда суҳбатдошларнинг ўзаро нутқий фаолиятдаги ҳамкорлиги бўлиб, бунда сўзловчи ва тингловчи аниқ мақсадини ифодалаш учун локуция, иллокуция ва перлокуция актини изчил ва узвий боғлаб, мулоқот актини амалга оширадилар. Инсонлар ушбу очик мулоқот орқали коммуникация вазиятларини яратадилар. Оғзаки мулоқот актининг иллокуцион актдан фарқловчи жиҳати мулоқотда суҳбатдошларнинг бир-бирини ўзаро тушунишида ёрдам берадиган нутқнинг парадигматик ва прагматик белгилари, жумладан, оҳанг, урғу, талаффуз, мулоқот одати, жумла тузилиши, унинг қисқа ёки кенгайтирилган услуби, мулойим ёки кўполлиги, ошкора ёки махфийлиги, буйруқ ёки илтимос шакли ҳамда имо-ишораларнинг мулоқотда қўлланилаётган лексик бирликлар ва грамматик воситаларга таъсири билан белгиланиши мумкин. Бу борадаги лингвистик фикрлар дастлаб феноменологик тадқиқотларнинг нутқ акти назариялари орқали тилшуносликка кириб келган бўлса-да, кейинчалик прагмалингвистика, дискурс тилшунослик, когнитив тилшунослик, социолингвистик тадқиқотларда фундаментал назариялари даражасида шаклланиб борган.

Ўтган асрнинг 50-60 йилларида Америка политолог тилшуноси Г.Д.Лассуэль, математик тилшунос К.Шеннон, таржимон, математик тилшунос У.Уйвер ва рус-америка тилшунос педагоги, адабиётшунос олим, XX асрнинг йирик тилшуносларидан бири Р.О.Якобсон замонавий тилшуносликнинг янги йўналиши сифатида коммуникатив лингвистика, яъни мулоқот тилшунослигини алоҳида соҳа сифатида эътироф этганлар. Коммуникатив тилшунослик тадқиқотлари натижалари ҳамда дискурс тилшунослик борасидаги билимларга асосан мулоқот матни, яъни дискурс, сўзловчи (адресат) ва тингловчи (адресант), оғзаки мулоқот акти, оғзаки мулоқот тили, коммуникатив грамматика, коммуникатив сўз бойлиги, фаол лексика масалалари доирасида қисқа вақт ичида сезиларли натижаларга эришган бўлса-да, соҳада ечимини кутаётган масалалар анчагина.

Тил системасини семантик ва синтактик аспектда ўрганиш прагматик аспектда ўрганиш натижасига мувофиқ келмаслиги мумкин. Шунинг учун тил

белгиси бошқа ҳар қандай семантик белги сингари фақат ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабати асосидагина эмас, балки маълум белгини системадаги бошқа белги билан (ифодаловчи сатҳида ҳам, ифодаланмиш сатҳида ҳам) муносабати орқали аниқланиши лозим.

Иккинчи бўлимда *оғзаки мулоқот услубини белгиловчи омиллар* хусусида фикр юритилади.

Тил информациясининг ички ва ташқи томони мавжуд бўлиб, ички томони тил структурасига оид бўлса, ташқи томони нутқ вазиятига тегишлидир. Анъанавий лингвистик тадқиқотларда, асосан, микролингвистикада нутқнинг ички томони, яъни сегментланадиган бирликлар – фонема, морфема, сўз, сўз бирикмаси, гапларни текширишга эътибор қаратилган, аммо унинг ташқи плани, хусусан, овознинг турли хил интонацион модуляцияси, нутқ темпи, товуш бўёғи, турли хил имо-ишоралар, мимикалар, суҳбатдошнинг манералари тилшунослар назаридан четда қолган.

*Оғзаки мулоқот актининг типлари* ушбу бобнинг учинчи бўлимида таҳлил қилинган. Мазкур тадқиқот иши доирасида шуни айтиб ўтиш мумкинки, дискурс тилшунослик тадқиқотларида кундалик мулоқотда инсонлар фойдаланган жумлалар мажмуасига нисбатан *мулоқот матнлари* атамаси қўлланилади. Хусусан, ўзбек тилидаги *оғзаки мулоқот матнларини* қуйидаги муайян турларга ажратиш мумкин:

1. Танишув ва саломлашув мулоқоти (бегона, дўст, қариндош, расмий).
2. Хизмат мулоқоти (дўкон, касса, банк, идора).
3. Ритуал мулоқот (ибодатхона, маросим, дин).
4. Монолог нутқ (ҳикоя, латифа, ҳазил, оммавий нутқ).
5. Ҳаракатли мулоқот (бажариш, тасвирлаш, кўрсатиш ва тушунтириш).
6. Бошқарув ва йўналтирувчи мулоқот (иш, кўча ва уйда).
7. Виртуал мулоқот (телефон, интернет (Zoom, Skype, телеграм, овозли хабарлар)).

Диссертацияда коммуникатив лингвистиканинг мулоқот борасидаги назарияларига таянган ҳолда, тадқиқот ишимизнинг ушбу бобида қўлланилган *оғзаки мулоқот тили, оғзаки мулоқот услуби, оғзаки мулоқот акти* тушунчаларига ўзбек тили нуқтаи назаридан қуйидагича таъриф беришимиз мумкин:

**а) оғзаки мулоқот тили** – бу сўзлашув тили бўлиб, товуш ва овознинг артикуляцияси орқали нутқий фаолият маҳсулига айланган, шунингдек, суҳбатдош томонидан айтилган сўз, сўз бирикмаси ва жумлаларнинг талаффузда қўллаб, суҳбатдошли ёки суҳбатдошсиз, техник воситалар ёрдамида ёки улардан холи бўлган муайян макон ва замонда маълум шахс, ижтимоий гуруҳ ёки халқ маданий ва ижтимоий хусусиятларини ўзида акс эттирадиган истеъмолдаги жонли ва фаол тилдир;

**б) оғзаки мулоқот матни** (коммуникатив лингвистик назарияларга асосан *оғзаки мулоқот дискурси* деб аташни таклиф қиламиз) – нутқий мулоқот фаолиятида суҳбатдошнинг мулоқот мақсади, фикри ва муносабатини ўзида мужассам қилган сўз, сўз бирикмаси, жумла ёки бутун бир матн кўринишидаги лингвистик ифода бўлиб, у мазмуннинг мавзуга мос

ифодасидир. Оғзаки мулоқот дискурси мулоқот вазиятига мос равишда огоҳлантирувчи, хабар – маълумот берувчи, буйруқ, истак, хошиш, савол ёки жавоб каби функционал вазифаларни бажарувчи лингвистик бирликдир;

**в) оғзаки мулоқот услуби** (айрим тадқиқотларда вербал мулоқот услуби деб қўлланилган) – инсонлар кундалик ижтимоий фаолиятида сўзлар, сўз бирикмалари, жумлалар ёрдамида яратган дискурс турлари суҳбат, мулоқот, мажлис, муҳокама, тақдимот, теле ва интернет мулоқотлар, оммавий нутқ, теле ва видеоконференция, интервьюлар ҳамда кундалик эҳтиёж асосида юзага келадиган савол – мурожаат ва жавоб тарзидаги мулоқотнинг муайян қонун-қоидалар ва нормаларга асосланган ёки эркин тарзда, яъни расмий ёки норасмий услубда амалга оширилишидир;

**г) оғзаки мулоқот акти** – мулоқот диктумидаги хабарни констатив (тасдиқ, тахмин, ҳисобот, тасвир ёки тавсиф, аниқ маълумот, хулоса, чеклов, имтиёз, шикоят, мунозара, савол, жавоб, маслаҳат, фараз), директив (ҳукм, талаб, сўровнома, буйруқ, руҳсат, риквизит, таъқиқ, талаб-маслаҳат), комиссив (ваъда, келишув, битим, шартнома, кафолат, таклиф, иқдор, ихтиёрий қарор, савдолашув) ҳамда эътироф (узр, ҳамдардлик, таъзия, табрик, тилак, саломлашув, миннатдорчилик) каби дискурс мақсадини мулоқот вазияти, муҳити, замони, макони ва суҳбатдошнинг ижтимоий, маданий, лингвистик ва психологик қарашларини ҳисобга олган ҳолдаги мурожаатининг оғзаки нутқий фаолиятдаги ифодасидир. Оғзаки мулоқот актининг асосини нутқий акт хусусиятига боғланган форма, функция ва типлар ташкил қилади.

Шу кунгача амалга оширилган тадқиқотларда кўпинча сўз, сўз бирикмалари, соҳага оид терминлар, иборалар ва гап структураси ҳақидаги фикрлар билан чекланилган бўлиб, мулоқот акти доирасида бажарилган тадқиқот ишлари фақат илмий-технологик ва бадиий матн таҳлили доирасида амалга оширилган. Бу борадаги назария ва қарашлар ҳақиқий жонли мулоқотдаги тилнинг таҳлили учун камлик қилади.

Биз юқорида санаб ўтган мулоқот турлари таҳлили ҳар бир мулоқот типининг алоҳида белги ва хусусиятларига таянилган ҳолда амалга оширилади. Бу қайсидир маънода тилга миллий ва контекстуал ёндашувни талаб қилади. Мулоқот актида шакл ва мазмун ифодасига тўхталиб, грамматик ва лексик бирликларнинг мулоқотдаги фаолиятини таҳлил қилиш, структур грамматика ҳамда лексик таҳлиллардан когнитив ва ижтимоий-лексик таҳлилга ўтиш учун асос бўладиган ёки ўтишда кўприк вазифасини бажарадиган бирликлар таҳлиliga алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Замонавий тилшунослиқда мулоқот акти назарияси нутқий акт, локуция акти, иллокуция ва перлокуция актига ажратиб, алоҳида тадқиқ қилинган<sup>29</sup> бўлса-да, бу борадаги фикрлар, нафақат ўзбек тилшунослигида, балки жаҳон тилшунослигида ҳам яқдил хулосага эга эмас. Бунга сабаб, мулоқотдаги тилда ушбу акт турлари ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳолда нутқий фаолиятни ҳосил қилиши, деб ҳисоблаш мумкин. Бунда ҳар бир актни ифодаловчи лексик-

<sup>29</sup> Searle J.R. Speech Acts: an Essay in the Philosophy of Language. – Cambridge: University Press, 1969. – P.167.

грамматик бирликларнинг таҳлили масалага ойдинлик киритишда ёрдам беради.

Оғзаки мулоқот актининг грамматик ва лексик бирликлари мулоқотнинг тўлиқ ифода матнига эгаллиги, мазмундорлиги ва таъсирчанлигини таъминлайди. Аммо инсоннинг мулоқот қобилияти, сўзамоллиги, психологик омиллар, ижтимоий мулоқотдаги гуруҳ вакилларининг ўзаро муносабати, қолаверса, нутқ мулоқот вазияти ва шароитидан келиб чиққан ҳолда, мулоқот жараёнида тўғри қўлланилиши орқали муайян натижага эришилади, яъни мулоқот самарали ёки самарасиз бўлиши мумкин. Мулоқот акти типлари борасида мавжуд фикрларни инобатга олган ҳолда, ўзбек тилидаги оғзаки мулоқот актларини бир қанча типларга ажратиш мумкин.

Ушбу тадқиқот ишида ўзбек тилидаги қуйидаги оғзаки мулоқот акти типлари аниқланди:

Тавсиф	Директив
Сухбатдошли ва сухбатдошсиз	Ижро ифодали
Рисоладаги	Кириш
Одатий	Акс таъсир мулоқот акти.
Алоҳида таъкид	Қисқа ва кенгайтирилган
Асл сабаб	Аппелятив
Такдимот	Ижодий
Ҳукмий	Кооператив
Ижозат	Бўйсундирувчи
Маслаҳат	Тавсиф
Дарак-хабар	Эвристик

**Тавсиф мулоқот актлари.** Функционал-синтаксис назариясида таърифланганидек, дарак, хабар нутқ акти субъектларнинг жадал муносабатлари тўғрисида маълумот беради ҳамда улар нофаол модаллик тушунчасида умумлаштирилиши мумкин. Замонавий лингвистиканинг етакчи тилшуносларидан бири А.К.Киклевич назариясига асосан, шунини айтиш мумкинки, ўзбек тилидаги маълумот берувчи дарак, хабар мулоқот актидаги *деонт*, яъни *нофаол модалликни* қуйидаги 4 турга ажратиш мумкин:

**1. Билиш фаолиятидаги модал восита:** *Мен биламан, мен ишонаман, менинг ишончим комил, мен ... деб ўйлайман, ўйлайманки, хоҳлайманки, шубҳам бор.*

**2. Сезги орқали билиш модал воситаси:** *кўриб турибман, эшитиб турибман, сезиб турибман, ҳис қилиб турибман.*

**3. Ҳиссий модал воситалар:** *мазза қилдим, ҳордиқ чиқардим, хавотирдаман, қўрқяпман, кулгим қистаяпти, менга фарқи йўқ, ҳамдардман, дардингга шерикман.*

**4. Баҳоловчи модал воситалар:** *Мен учун қадрли, мен учун азиз, ўй-хаёлим шунда, нафратланаман, мен учун бу ёқимли.*

Диссертациянинг иккинчи боби «**Оғзаки мулоқот актининг лексик хусусиятлари**» тадқиқига бағишланган.

Оғзаки мулоқот актининг лексик сифат аспектини таъминловчи тамойиллар, маъно муносабатлари ва тил бирликлари ушбу бобнинг биринчи бўлимида ўз аксини топган.

Шу ўринда оғзаки мулоқот акти типларининг лексик жиҳатлари, яъни уни ёзма нутқдан ажратиб турувчи белгилар борасидаги фикрлар баёни ҳақида дискурс тилшунослик назарияларига таянган ҳолда, замонавий лингвистик тадқиқотларда оғзаки мулоқот матнига нисбатан дискурс атамаси, унинг ўзига хос лексик бирликларига нисбатан «дискурс маркер», яъни «дискурс белгилари» атамасини қўллаш таклиф қилинган. Биз ушбу фикрга асосан, *таркиб, аниқлик, равонлик, ўзаро муносабат, боғлиқлик* тамойиллари оғзаки мулоқот актининг квалитатив, яъни сифат аспектини ташкил қилишини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим. Шунингдек, оғзаки мулоқот актидаги сўзларнинг синоним, антоним, гипоним маъно муносабатларига изох берилган.

Бобнинг «*Оғзаки мулоқот акти лексик бирликлари таснифи*» деб номланган иккинчи бўлимида оғзаки мулоқот акти лексик бирликлари таснифи ва таҳлили масалалари ёритиб берилади. Хусусан, Ж.Сиднелл<sup>30</sup>, М.Стабсларнинг<sup>31</sup> фикрига кўра, иштирокчилар мулоқотда бир-бирларини қандай тушунишлари ва уларга жавоб беришларини диққат марказида сақлаб, мулоқот актининг уюшган ўзаро кетма-кетликда ишлаб чиқилиши ва талқин қилиниши, жуда қисқа фурсатда юз берадиган мулоҳаза юритиш тартиблари ва ижтимоий муносабатларни бошқариш компетенцияларни аниқлашдан иборат.

Оғзаки мулоқот актининг ўзига хос лексик бирликларининг муайян тамойиллари асосида *уюшган тартибига* кўра таснифи қуйидагича кўринишга эга: *турғун* (ёнма-ён ёки мослашган жуфтлик, жавоб берувчи), *такрорий* (тўғридан тўғри кўчирилувчи, акс-садо берувчи), *муносабат ўрнатувчи* (алоқа ўрнатувчи, диалог-конструктив, суҳбат яратувчи), *изоҳловчи* (фикрни исботловчи, муҳокама қилувчи, белгиловчи, оний), *ҳукмий* (ҳиссий ифодали, тузатувчи, муносабатни ифодаловчи), *мослаштирувчи лексик бирликлар ёхуд дискурс белгилар* (ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи элементлар, боғловчи лексик бирликлар, жавоб сўзлар, мурожаат бирликлари ва сўзлари, эксплетив (ҳақоратомуз) лексик бирликлар, инсентив лексик бирикмалар).

Оғзаки мулоқот актида паралингвистик ва просодик бирликлар, сўз танлови ва ахборотни етказиш усулини белгиловчи, сўзловчиларнинг ўзлари амалга ошираётган нутқ фаолиятида тафаккуридаги фикрни тўғридан тўғри *мавзуга мослаштирувчи лексик бирликлар* мавжуд бўлиб, ушбу бирликлар мулоқот жараёнида суҳбатдош томонидан энди айтиладиган жумлани ўз онгида тахмин қилиб, унга жавоб бериш учун тайёргарлик кўради<sup>32</sup>. Агар

<sup>30</sup> Jack Sydnell. Conversation analysis: Introduction: Handbook of Linguistic Analysis. – OUP, 2015. – P.174.

<sup>31</sup> Michael Stabs. Discourse Analysis: the Sociolinguistic Analysis of Natural Language. – Chicago: University press, 1983. – P. 113.

<sup>32</sup> Нурмонов А., Ҳақимов М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. – № 4. – Б. 54-58.



сўзловчи кутган натижага тингловчи муносабати мос келмаса ёки тингловчи кутган фикрга сўзловчи нутқининг мазмуни мос келмаса, бундай мулоқот самарасиз ёки беҳуда айтилган гап деб баҳоланади.<sup>33</sup>

Албатта, оғзаки мулоқот актида тингловчининг ёши, шахсий фазилатлари, қизиқиши ва мулоқот мавзусининг унга дахлдорлиги инобатга олиниши лозим. Шу ўринда оғзаки мулоқот актининг энг муҳим мослаштирувчи бирликлари сифатида *дискурс белгилар*<sup>34</sup> алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу атама инглиз тилшунос олимаси Д.Шифрин томонидан «Discourse Markers» номли китобида илк бор лингвистик тадқиқотларга олиб киритилган бўлиб, бу лингвистик бирликлар грамматикада ёрдамчи сўз туркумлари, хусусан, юкламалар, кириш сўзлар, ундалмалар тарзида тушунтирилиб, улар синтактик жиҳатдан мустақил, яъни улар гапда синтактик вазифа бажармаганлиги учун жумлада фойдаланилмаса ҳам жумла тузилиши бузилмасдан қолади, деган фикрлар билдирилган.

Бошқа тиллар қатори ўзбек тилида ҳам *яхши, ҳа, албатта, аксинча, шундай қилиб, энди, ва, нима бўлганда* ҳам каби дискурс белгилари мавжуд бўлиб, улар мулоқот актида бир нутқни бошқасига боғлаш ёки айтилган фикрга муносабат билдириш учун қўлланилиб, жаҳон тилшунослигида баъзан *лексик бирликлар* деб қайд қилинган бўлса, баъзан *грамматик шакллар* деб талқин қилинган. Дискурс белгилар тингловчи учун эшитган ахборот тўғрисида яхлит бир тушунча ҳосил қилиш, мулоқот мазмунини тўлиқ англаш воситасидир. Дискурс белгилар кўпгина грамматик формалар, жумладан, ундов сўзлар, қўшма равишлар, саломлашув ва хайрлашув сўз бирикмалари билан бирга қўлланилиши мумкин. *Дискурс белги* атамаси ўзбек тилида одатда, кириш сўз, ундалма, «киритма конструкциялар»<sup>35</sup> тарзида талқин қилинганидек, жаҳон тилшунослигида ҳам ушбу атамага турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, Р.Лакофф<sup>36</sup> «hedge» (ҳошия), Ж.Свартвик<sup>37</sup> «Particles» (юкламалар), С.Чолкер<sup>38</sup> «connective adverbs» (равиш боғламалар); Л.К.Шоуруп<sup>39</sup> «discourse particles» (дискурс юкламалар); Р.Куерк<sup>40</sup> «conjuncts and disjuncts» (боғловчи ва айирувчилар); К.Иствуд «linking words and phrases» (боғловчи сўз ва фразалар) каби атамаларни тавсия қилган. «Дискурс маркер» атамаси кўпчилик тилшунослар, жумладан, У.Лабов ва Д.Фаншел (1977); С.Тодд ва И.Ф.Ханкок (1986); Д.Шиффрин (1992) томонидан маъқулланган<sup>41</sup>.

<sup>33</sup> Кобозева И.М. «Теория речевых актов» как один из вариантов теории речевой деятельности. В кн: Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск 17. – М.: Прогресс, 1986. – С.7-21.

<sup>34</sup> Schiffrin Deborah. Discourse Markers. – Cambridge: Cambridge University Press, 1988. – P. 273.

<sup>35</sup> Тошалиев И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида киритма конструкциялар. – Тошкент: Фан, 1976.

<sup>36</sup> Lacoﬀ R. What you can do with words: Politeness, pragmatics and performatives. In: Proceedings of the Texas Conference on Performatives, Presuppositions and Implicatures, ed. R. Rogers, R. Wall & J. Murphy, Applied Linguistics, 1977. – P. 79 – 106.

<sup>37</sup> Leech G.; Swartwik J. A Communicative ... are considered prepositions and which are *particles*. – SWAN, Volume 4, 1955. – P.62.

<sup>38</sup> Chalkier S. Collins Co-build English Guides: Linking Words (Collins Cobuild English Guides) (Bk.9) Paperback – May 9, 1996. <http://ftp.%20artofproblemsolving.com>

<sup>39</sup> Clifford L., Schourup. Common *Discourse Particles* in English Conversation. Front Cover. – Garland: Language Arts and Disciplines, 1985. – P.173.

<sup>40</sup> [https://uomustansiriyah.edu.iq/media/lectures/8/8\\_2020\\_02\\_23!12\\_18\\_49\\_AM.pdf](https://uomustansiriyah.edu.iq/media/lectures/8/8_2020_02_23!12_18_49_AM.pdf)

<sup>41</sup> Akmajian A. Demers R. Farmer A. Harnish R. Linguistics: An Introduction to Language and Communication, 4th

Оғзаки мулоқот акти ўзбек тилшунослигида нисбатан янги йўналиш бўлгани учун унинг атамаларини ёзма матн грамматикасидан фарқлаш учун тадқиқот ишида *дискурс белги* атамаси қўлланилди. Ушбу бирликлар мулоқот аввалида ва мулоқотнинг кейинги навбатида айтилган ва айтилмоқчи бўлган жумлага ишора қилади. Оғзаки мулоқот актида дискурс белгилар семантик, контекстуал ва прагматик вазифаларни бажаради. Дискурс белгиларнинг таснифи борасида ҳам бир қанча фикрлар мавжуд бўлиб, одатда дискурс белгиларга вазифасидан келиб чиққан ҳолда ёндашган маъқул.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда, дискурс белгининг куйидаги турларини фарқлаш мумкин:

***Ҳис - ҳаяжонни ифодаловчи хитоб сўзлари.***

*Масалан: Ўй (ҳайрат), аҳа (тасдиқ, тан олиш), эҳа (хурсандчилик билан қабул қилиш), ие (ҳайрон бўлиб қабул қилиш), Вой-бўй (кучли ҳайратланиш), ўхў (ҳаяжон, завқланиш), оҳ, воҳ (оғриқ, азобланиш), уфф (асабийлик, туюқлиқ)*

***Богловчи вазифасидаги сўзлар ёки модал сўз ва сўз бирикмалар.***

*Масалан, шунинг учун, ниҳоят, аксинча, барибир, умуман олганда, майли, бундан ташқари, ҳулласи калом.*

Қаршилиқни ифодаловчи сўзлар модаллик, нотўғри ҳолат ва баҳони ифодалаш учун бутун жумлага нисбатан семантик ифода берувчи лексик элементлардир. Ушбу турга кирувчи элементларни *эҳтимоллик* (*балки, эҳтимол*), *аниқ фараз* (*албатта, бу аниқ, маълумки, кундек равшан*), *одатийлик* (*ҳар доимгидек, одатдагидек*), *истак, мувофиқлик* (*бахтга қарши, бахтимга, омадим келиб, афсуски*) гуруҳларига ажратган.

***Мурोजаат сўзлари.*** Булар синтаксисда алоҳида гап бўлаги сифатида саналмайди, аммо мулоқот актида чақириш, чорлаш, ундаш, диққатни жалб қилувчи лексик элементлар сифатида қўлланилади. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, ушбу бирликлар нутқ орқали узатилаётган ахборотни аниқ йўналтирувчи воситалардир. Масалан:

*-Ҳой сиз, хоним, менга қаранг, шарфингиз тушиб қолди! (Ҳой, сиз – чақирик, хоним – деноминант)*

***Жавоб лексик бирликлар.*** Булар оғзаки мулоқот актида энг кенг қўлланиладиган эллиптик жумлалар бўлиб, улар қисқа тасдиқ ёки рад жавоблари ҳисобланади. Улар бутун бошли гапнинг ўрнида қўлланилиши мумкин. Бундай лексик бирликларга *хўп, хўп бўлади, яхши, розиман, тўғри// йўқ, хато, норозиман, бўлмайди каби* сўзлар мисол бўлиши мумкин.

***Эксплетив (ҳақоратомуз) дискурс белгилар***<sup>42</sup>. Ушбу *дискурс белгилари* инсонларнинг ўзаро мулоқот вазиятида қаҳр, ғазаб, нолиш ҳис-туйғуларининг ифодаси сифатида намоён бўлиб, одатда унли товушларнинг ҳаддан ортик баланд овозда чўзиб айтилиши ёки кўпол сўзлар, вульгаризм ва табу элементларининг қўлланилиши сифатида намоён бўлади.

ed. – Cambridge: the MIT press, 1995. – P. 371.

<sup>42</sup> Svenonius P. Subjects, Expletives, and the EPP, ISBN 978-0195142259. – Oxford: Oxford University Press, 2001. – P. 3-11.

Диссертация ишида **инсентив дискурс белгилар** ижтимоий муносабатларнинг кўпчилик нутқ вазиятида қўлланиладиган мақтов, ирода, ҳамду сано, шукроналик маъноларини ифодаловчи лексик бирликлар бўлиши, инсонлар кундалик мулоқотининг ажралмас қисми саналиши мисоллар ёрдамида изоҳланди. Масалан, *Аввали Худо! Худо хоҳласа!; Худойимга ҳамду санолар!; Худога шукур! Оллоҳим, ўзингга шукур!; Яратган эгамга шукур бўлсинки!; Худо қўлласин!*

Шунингдек, ушбу бобнинг «*Оғзаки мулоқот актида лексикон масаласи*» деб номланган учинчи бўлимида **муस्ताқил (концептуал) ва матний (контекстуал)** элементлар ҳақида салмоқли фикрлар билдирилган. Оғзаки мулоқот акти лексикони қатламидаги концептуал категорияга мансуб лексик бирликлар уч тоифага ажратилиши мумкин:

- *номинатив лексик бирликлар;*
- *акционал лексик бирликлар;*
- *квалитатив лексик бирликлар;*
- *куантитатив, яъни миқдор лексик бирликлар.*

Лексиконнинг иккинчи қатлами **контекстуал** категорияга мансуб элементлар бўлиб, бунда контекст, яъни мулоқот актида фаоллашадиган, одатда, сўзловчининг объект ёки субъектга муносабати, фикри, ҳиссиётдан келиб чиққан ҳолда қўлланиладиган, мулоқот актида аниқ мазмун, шакл, муносабат ва прагматик маъно касб этадиган бирликларни ўз ичига олади. Ушбу тадқиқот ишида бу бирликлар **контекстуал элементлар** деб номланди ва қуйидагича тасниф қилинди:

• *Турғун лексик бирликлар* мулоқот актининг таянч қисми бўлиб, улар одатда мулоқот тилининг миллий-маданий хусусиятига хос бўлган лексик бирликлари бўлиб, саломлашиш, хайрлашиш, миннатдорчилик, кечирим сўраш, тилак билдириш каби нутқ актларида қўлланилади.

• *Боғловчи лексик бирликлар* мулоқот актининг муҳим қисми бўлиб, улар инсонлар ўртасида нутқий фаолиятнинг кенгайиши, ахборот алмашинуви, мулоқот акти типларининг барчасида асосий компонент ҳисобланади. Боғловчи лексик бирликларнинг мулоқот актида сўзлар, гаплар ва бир сўзловчи нутқ актини бошқасига боғловчи турларини фарқлаш мумкин.

• *Эмоционал тил бирликлари* мулоқот актида сўзловчининг объект, субъект ёки иш-ҳаракатга нисбатан ҳиссий ифодасини англатадиган ҳис-ҳаяжон сўзлари ва просодик бирликлар ҳисобланади.

• *Мурожаат тил бирликлари* мулоқот актида сўзловчининг объект ёки субъектга мурожаатини ифодалайди, грамматикада бундай сўзлар ундалма (ёки кириш сўзлар) деб аталади.

• *Модал лексик бирликлар* сўзловчининг объект ёки иш-ҳаракатга нисбатан эҳтимоллик, мажбурият, қобилият, имконият борасидаги муносабатини ифодалаш учун қўлланилади, тилда бундай сўзлар модал сўзлар ёки гапнинг гап бўлаги бўлмаган бўлаклари деб аталади. Бунда деонт модаллик ҳақида фикрлар билдирилди.

Лингвокультурологик ёндашувларга кўра, оғзаки мулоқот лексикони индивидуал, ижтимоий гуруҳ ва халқнинг маданий қадриятларни, миллий-ментал фикрлаш тарзини намоён этувчи лингвомаданий бирликлардир. Хусусан, оғзаки мулоқот тили, шу жумладан, мулоқот акти ҳам тилнинг маданий хусусиятларини авлоддан авлодга олиб ўтувчи асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Оғзаки мулоқот актининг грамматик хусусиятлари**»га бағишланган. Шу кунгача билдирилган «Оғзаки мулоқот матнида грамматиканинг унчалик аҳамияти йўқ» деган фикрларга қарама-қарши ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, ҳақиқий, табиий ва нафис мулоқот матни сермазмун ва ранг-баранг жумлалардаги гап бўлақларининг муайян мақсадда тузилган тартиби ёрдамида яралади.

Бобнинг биринчи бўлими «*Оғзаки мулоқот актида мурожаат шакллари*» деб номланган. Мантиқий изчилликка эга ҳар қандай мулоқот акти синтактик муносабатларнинг ўзаро зичлиги ва синтагматик тобеликнинг бир томонлама – олдинги жумладан кейинги жумлага қараб йўналиши билан характерланади. Жумлалар ўртасидаги синтактик тобеликнинг бундай бир томонлама йўналиш муносабати мулоқот занжирининг замондаги тасодифий кенгайишини кўрсатувчи нутқий мулоқот характери билан белгиланади<sup>43</sup>.

Ўзбек тили грамматикасида бизга таниш бўлган кишилиқ олмошлари (*у, уни, улар*), кўрсатиш олмошлари (*бу, ўша, булар, ўшалар*), шунингдек, айнан *шу (ўша), шундай бир* каби бирикмаларни *тавсиф бирликлари* дейишимиз мумкин. Шу ўринда кундалиқ мулоқотда биз фойдаланадиган сўзлашгич ёки сўзлашув китобларида келтирилган оғзаки мулоқот матнидан олинган қуйидаги парчани мисол қилишимиз мумкин:

1. Ҳозир цех бошлиғига кириш. У иш жойингизни кўрсатади.<sup>44</sup>

Ушбу ажратиб кўрсатилган сўзлар мулоқот давомида олдин айтилган объектга мурожаатни бошлаб беради. Бунда мулоқот мазмуни тўлдирилиб, фикр ойдинлашади. Олдин таништирилган шахсга, объект ёки жисмга мулоқот давомида берилган таъриф ***анафорик мурожаат*** деб айтилади. Ушбу грамматик ифода воситалари ва лексик бирликлар мулоқотда мурожаат кетма-кетлигини таъминлаб, воқеа-ҳодиса ва вазият тўғрисидаги фикрнинг мукамаллигини таъминлайди.

Этимологик жиҳатдан *anaphora* ёки *anaphoric* сўзи инглиз тилига қадимги юнон тилидан француз тили орқали кириб келган атама ***ἀναφορά*** бўлиб (инглиз тилида *anaphora* «орқага қайтармоқ»), яъни *ἀνά* инглиз тилида *from* (*aná*, «юқори») + *φέρω* (*phérō*, инглиз тилида *ferry* яъни «ташийман») сўзларидан олинган бўлиб, умумий маънода «мурожаат» маъносини англатса, тор маънода «орқага ташимоқ» маъносини англатади.<sup>45</sup> Оғзаки мулоқот актида

<sup>43</sup> Нурманов А. Танланган асарлар. 1-Жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 390

<sup>44</sup> Красних В.И., Гаюпов С.И. Ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча сўзлашув китоби. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2019. – Б. 185.

<sup>45</sup> [https://en.wikipedia.org/wiki/Anaphora\\_\(linguistics\)](https://en.wikipedia.org/wiki/Anaphora_(linguistics))

анафора илгари айтилган объектга қайта мурожаат сифатида тушунилиши мумкин.

Оғзаки мулоқот давомида тилга олинган барча объектларга нисбатан тавсиф сифатида *ҳамма, барча, юқорида санаб ўтилганлар (айтиб ўтилган), ҳар бир* каби сўз ва сўз бирикмалари, қўшимча изоҳлар битта акт ичида берилиши мумкин бўлиб, бундай мурожаат **экзофорик мурожаат** деб аталади. *Экзофора* сўзи қадимги юнон тилидаги *eksəu 'fɔrik* сўзидан олинган бўлиб, грамматикада *мен* ва *сен* олмошига берилган қўшимча изоҳ маъносини англатади<sup>46</sup>. Дискурс тилшуносликда оғзаки ва ёзма матнда исталган бир лексик бирикка қўшимча берилган изоҳни англатса, оғзаки мулоқот актида мулоқот мавзусидан ташқаридаги объектларга мурожаатни англатади, чунки улар айни мулоқот матни ичида йўқ, бу матнга бириктирилмаган, лекин тингловчининг мулоқот мазмунини тўлиқ идрок қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган, мулоқот матнининг текстуаллигини таъминловчи омиллардир. Масалан:

*-Ҳамма билетлар сотиб бўлинган, фақат бугунга (эртага,...санага) балкон билетлари бор.*

Ушбу акт мисолида *ҳамма* сўзи орқали (барча билет турлари, жумладан, олд қатор, ўрта қатор, охириги қатор, партер, кундузги ва кечки сеанс билетлари) назарда тутилган.

Мурожаат шаклининг навбатдаги тури бу пинҳона, сир тутилган мурожаат бўлиб, **катафорик мурожаат** деб аталади. Катафорик сўзи қадимги юнон тилидаги *катафорá* сўзидан олинган бўлиб, *κατά* (*katá* «пастга») + *φέρω* (*phérō* «ташийман») (*катафорá*, «пастга йўналиш») маъноларини англатади.<sup>47</sup> Тилшуносликда бу сўз орқали икки киши ўртасидаги суҳбат, яъни фақат тингловчи ва сўзловчигагина тушунарли объект юзасидан бўлаётган оғзаки мулоқот тушунилади. Бунда мулоқотнинг шу икки иштирокчисидан ташқари *ҳамма* эшитса ҳам, гап нима ҳақида бораётганлиги тушунилмайдди. Масалан:

*-Кечирасиз, сиз энг керакли нарсани унутяпсиз.*

*-Гап бу ҳақда эмас.*

Учинчи бобнинг иккинчи бўлими «**Оғзаки мулоқот актида сўз тартиби**» деб номланади.

Оғзаки мулоқот актида, сўзловчи истак-хоҳишига кўра, алоҳида таъкидлаш, ажратиб кўрсатиш, мазмун таъсирчанлигини ошириш учун айрим гап бўлаклари гап бошига ёки олдинги ўринга ўтказилиши тўғрисида деярли барча грамматикага оид китобларда таъкидланган. Бу тил ҳодисаси инглиз тилида *fronting device*<sup>48</sup>, яъни олдинга кўчириш деб номланган. Шунга қараб, бу кўчиришнинг эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи ва ҳол турлари фарқланади.

<sup>46</sup> <https://www.dictionary.com/browse/exophoric>

<sup>47</sup> <https://www.dictionary.com/browse/exophoric>

<sup>48</sup> M. Halliday. Introduction to Functional Grammar: 4<sup>th</sup> edition, U.K. Birmingham: Companion-Website. 2014. – P. 236.

Оғзаки мулоқот актида ёзма мулоқот матнидаги тартибдан фарқ қилувчи қуйидаги гап шаклларини учратишимиз мумкин. Масалан:

1. *Отангни айтаман, ҳали ҳам газета ўқияпти.*

2. *Нима эмиш, кетармиш, бекорларни айтибди. Мен рухсат берсам, кетади, бўлмаса йўқ.*

Ушбу бўлимда оғзаки мулоқот актидаги эллипсис ва алмашлаш ходисалари ҳам таҳлил қилинган.

Оғзаки мулоқот актида эллипсис ўз тузилиши ва шакли билан ажралиб туради. Иккита ишчи ўртасидаги ўзаро мулоқот акти:

– *Сен белгилаб берсанг, мен деворга илиб чиқаман.*

Ушбу жумлада *белгилаб бермоқ* ва *илиб чиқмоқ* ўтимли феъллари талаб қиладиган тўлдирувчи ушбу жумлада мулоқот иштирокчилари томонидан унга зарурият йўқлиги сабабли тушириб қолдирилган, чунки гапда ушбу тўлдирувчи ифодаладиган объект мулоқот иштирокчиларига таниш бўлади. Демак, эллипсис мулоқот иштирокчилари вазиятининг прагматик ҳолдаги танлови бўлиб, у мажбурий эмас, балки ихтиёрий танланадиган, матннинг ихчам ва тушунарли бўлишини таъминловчи синтактик услубий бирлик ҳисобланади.

Ушбу жумлада сўз тартиби ёки услуби, изоҳи бирон-бир грамматик қўлланмада берилмаган. Фақат ҳозирги кунда тилшуносликнинг янги соҳаси сифатида бу услуб ва бирликлар қуйидагича номланади.

Олдинга ўтиш (*fronting*), *ҳа эмиш*, *нима эмиш* каби бирликлар клефт (инглиз. *cleft*) ёки очик ўринни тўлдириш учун *қурама*, ўрни ўзгарган гап бўлагининг бутун гапга ёки матнга таъсири (коммуникатив динамизм), назарда тутилган фикр (тема), алоҳида изоҳ (рема), бутун матн мазмунини ўзида акс эттирадиган гаплар (инглиз тилида «*topic sentence*»), долзарб фикр илгари сурилган гап ёки маълум (мазмунли гап), текст турининг белгиловчилари (инглиз тилида *textual, interpersonal, ideational*), яъни ўзбек тилида матний, шахслараро, ғоявий таъкид каби жумла таркибий қисмлари ҳақидаги фикрларни тадқиқотларда кузатишимиз мумкин.<sup>49</sup>

Ўзбек тилида клефтни тўлдиришнинг уч тури фарқланади:

- тингловчи томонидан тўлдирилган клефт;
- сўзловчининг ўзи томонидан тўлдирилган клефт;
- клефт-эллипсис.

*Оғзаки мулоқот актида замон ва аспект танлови* мулоқот мазмуни, қолаверса, мулоқотда сўзловчининг тафаккури, кечинмалари ва сезги интуициясига асосан танланади. Шу жиҳатни инобатга олган ҳолда, оғзаки мулоқот актидаги замон шаклларини *намоён* ва *яширин* замон шаклларига ажратиш мумкин, масалан:

-*Сиз қайси меҳмонхонада жойлашдингиз?*

-*Шердорда. (яширин шакл «жойлашдим»)*

<sup>49</sup> M.A.K. Halliday. Introduction to Functional Grammar: 4<sup>th</sup> Edition revised by M.Christian, M. Matthiessen. Birmingham, U.K., 2014. – P. 276.

Оғзаки мулоқот вазиятида сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ўзаро савол ва жавоб мурожаатида, замонлар мослашуви эса мулоқот вазиятида назарда тутилган иш-ҳаракатнинг замони, нисбати ва бажарувчисига боғлиқ ҳолатда ифодаланади, масалан:

1. *Доктор, тишимни пломба қилиб бўлдингизми?*

– *Ҳозир бўламиз. (замонга боғланган)*

2. *Жаноб, нима буюрасиз?*

– *Ҳозир, шеригим келсин, буюради. (бажарувчига боғланган)*

3. *Буни сиз қилдингизми?*

– *Йўқ, ўзи шундай экан. (мажхул нисбатга боғланган)*

4. *Болам, овқатингни емайсанми? – (Жимлик-эллипсис)*

5. *Бугун болага қараб турадиган одам керак?*

– *Менинг идорада ишларим бор. (Қараб туролмайман – клефт, эллипсис)?*

Ушбу мулоқот акти ҳолатларини умумий равишда эллипсис ва алмаштириш сифатида баҳолаш мумкин, аммо тингловчи берадиган жавоб учун асосий мезон бу берилган савол мазмунига мос бўлиш саналади.

**Оғзаки мулоқот актида эллипсис ва субституция.** Тилшуносликда оғзаки ва ёзма матннинг грамматик тузилиши тақозо қиладиган бирликларнинг мулоқот вазиятида сўзловчи томонидан мақсадли тушириб қолдирилиши эллипсис ҳисобланади. Бунда тушириб қолдирилган элемент мазмунини контекстдан англаб олиш мумкин бўлади. Бу мулоқот матнида қўлланиладиган исталган бир ёйиқ гап бўлагини тушириб қолдириш мумкин, деган нотўғри хулосага сабаб бўлмаслиги лозим. Контекст ичида тушириб қолдирилган элементга нисбатан изоҳ берувчи бирон-бир маъноли бўлак бўлгани учун туширилган элементга мулоқот ҳолатида эҳтиёж бўлмайди. Оғзаки мулоқот актида эллипсис тузилиши ва шаклига кўра ажралиб туради. Шу ўринда эллипсиснинг тури матн ичида тушириб қолдирилган элементнинг анафорик ёки катафорик мурожаати фарқланишига қараб ажратилиши мумкин, масалан: *Болалар кичик қўтиларни олиб келсин, катталар – катталарини.*

Бунда олиб келсин кесими гапнинг икки қисмига бирдек тегишли ҳолат деб қабул қилинади. Анафорик эллипсис барча мурожаат шаклида бир хил лексик бирликлар билан ифодаланган бўлса-да, унинг оғзаки мулоқот актидаги ҳамда дискурс тилшунослигида баёни фарқ қилади. Масалан:

– *Қўлингдан келса, беш яримдан олдин шу ерда бўл. (Анафорик)*

– *Келдими? – Келди. (Катафорик)*

Ушбу гап грамматик таҳлил қилинганда қуйидаги бирликлар тушиб қолганлигини аниқлаш мумкин. *Агар* – боғловчи, *сенинг* – аниқловчи, *соат* – ҳол бирикма қисми. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, феъл ёки кесим эллипсис тури мулоқот контекстида муаммо бўлиши мумкин.

Ўзбек тилидаги оғзаки мулоқот акти боғловчилари, асосан, катта уч гуруҳга ҳамда ўз навбатида олтига кичик гуруҳларга ажратилади.

1. *Изоҳловчи (бошқача қилиб айтганда), ойдинлаштирувчи (ёки, аксинча, қўшимча равишда).*

2. Кенгайтирувчи: а) тўлдирувчи (*ва, шунингдек*); б) ўзгартирувчи (*муқобил равишда, акс ҳолда*).

3. Кучайтирувчи: а) вақтинчалик (*кейин, илгари таъкидланганидек, айтиб ўтилганидек, юқорида санаб ўтилганидек*); б) сабаб-шартли (*натижда, шундай қилиб, шундай бўлган тақдирда*).

Учинчи бобнинг навбатдаги бўлимини «*Оғзаки мулоқот актида диктумга субъект муносабатини ифодаловчи воситалари*» деб номладик.

Контекстуал гап компонентлари эҳтимоллик, одатийлик, мажбурийлик ва мойилликни ифодаловчи турларга ажратилиши мумкин. Ўз навбатида бу турлар кучли, ўртача ва суст ифода шаклларига ажратилади. Масалан:

<b>Ифода турлари ва даражаси</b>	<b>Эҳтимоллик</b>	<b>Одатийлик</b>	<b>Мажбурийлик</b>	<b>Мойиллик</b>
<b>Кучли</b>	<i>Албатта, шуниси аниқки</i>	<i>Ҳар доимгидек</i>	<i>Талабга кўра айтилишича, буйруққа кўра</i>	<i>Жиддий равишда, чин дилдан, қатъий, дадил</i>
<b>Мўтадил</b>	<i>Балки, Эҳтимол</i>	<i>Одатда шундай эди, яна билмасам</i>	<i>Кутилмоқда, - аркан</i>	<i>Маъқул, афзалроқ</i>
<b>Суст</b>	<i>-ар, -иши мумкин, -микан</i>	<i>Баъзан, яна ўзи билади</i>	<i>Рухсат берилишига қараганда, бунда айтилишича, шунга кўра</i>	<i>Ихтиёрий, ҳафсала билан, кўнгилдан, самимий</i>

Ушбу ўзбек тилидаги жумлада гап бўлаклари ўрнини улар ифодалаган семантик муносабатларга кўра таҳлил қилиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда, оғзаки мулоқот актида модал муносабатлар таҳлили алоҳида тадқиқот мавзуси эканлигини алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Шахслараро муносабатни ифодаловчи синтактик бирликлар сўзловчи ва тингловчи томонидан билдирилаётган фикрга шахсий муносабатнинг қўшиб ифодаланишида намоён бўлади. Масалан, *айтишларича, айтишларига қараганда, бу ерда айтишларича, бунда айтилишича ... зарур экан, мишишларга қараганда, ... деб таъкидланган, мен сенга айтим-ку (хитоб), буюраман, сендан сўраяман, талабим шуки, маслаҳатим шуки, гап шундаки, мутлақо қаршиман* каби бирикмалар оғзаки мулоқот актининг шахсий муносабатни ифодаловчи бирликлари эканлиги мулоқот вазиятида осон англаниши мумкин. Ушбу бирликлар мулоқотда дарак ва сўроқ шаклларда қўлланилиши мумкин.



Шунингдек, градуонимия лексик-грамматик сатҳда белги-хусусиятнинг ортиб ёки камайиб бориши билан изоҳланувчи лексик-семантик ва грамматик ходиса бўлиб, у нутқда жумла мазмунига таъсир қилади. Масалан, оғзаки мулоқотда таклиф ақтининг градуонимик сатҳдаги таҳлили куйидагича бўлиши мумкин:

1. *Эртага тугилган куним, албатта келинг! Кутаман!*
2. *Эртага тугилган куним, келинг!*
3. *Эртага тугилган куним, эҳтимол келарсиз!*
4. *Эртага тугилган куним, вақтингиз бўлса келинг!*
5. *Эртага тугилган куним, келсангиз ҳам, келмасангиз ҳам соғ бўлинг!*

Сўзловчининг истаги қисман унинг нутқида акс этади, қисман лексик бирликларда, қисман грамматик воситаларда, қисман имо-ишора ва кинемаларда, қисман мулоқот вазияти ва сабабида намоён бўлади. Прагматикага оид тадқиқотларда шу кунгача алоҳида тур сифатида тадқиқ қилинган нутқ акти типлари, жумладан, локуция, иллокуция ва перлокуция акт типлари ҳар бири муайян бир вазифани бажариб, оғзаки мулоқот ақтининг исталган бир типда ўзаро бирлашиб, дискурс яратади.

Оғзаки мулоқот акти таркибидаги нутқий акт типлари вазифаси куйидагилардан иборат бўлади:

- Нутқий акт вазифаси сўзловчининг тингловчига дискурда етказмоқчи бўлган хабар ёки мурожаатини талаффуз орқали етказилишини таъминлайди.

- Локуция акти орқали сўзловчи муайян контекстда тингловчига объект ҳақида гапириб, унга таъриф ва тавсиф беради ва шу орқали мулоқот дискурси яралади, тингловчига мурожаат амалга оширилиб, хабар етказилади.

- Иллокуция акти орқали сўзловчи мулоқотда объект ҳақида муайян мақсадда гапириб, нутқий фаолиятни амалга оширади ва ўз навбатида унга жавоб ақтини кутади.

- Перлокуция акти орқали сўзловчи тингловчига дарак, сўроқ ва буйруқ шаклида ўз мурожаати, саволи, истаги, тилаги, фикри, мулоҳазаси, ҳукми, қарорини ўтказди ва мулоқотга чорлайди.

Ушбу акт типлари вазифасининг уйғунлигини инобатга олган ҳолда, мулоқот ақтининг тадқиқ қилиниши, хусусан, оғзаки мулоқот ақтининг лексик-грамматик хусусиятларини аниқлаш тилшуносликнинг структур ва прагматик сатҳдаги тадқиқот натижаларига таяниб, ўзбек тилидаги коммуникатив тилшунослик назарияларининг янада ривожланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбек тилидаги оғзаки мулоқот акти ва унинг лексик-грамматик хусусиятларининг антропоцентрик таҳлили замонавий тилшунослигимиздаги тадқиқотларга янги мазмун бахш этади ва уни янада бойитади, деган умиддамиз. Ушбу тадқиқот доирасида амалга оширилган таҳлиллар мулоқот акти типларининг ўзига хосликларини аниқлаш ва лексик-грамматик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда таснифлаш имкониятини беради. Бу қайсидир маънода тилга миллий ва контекстуал ёндашувни талаб қилади. Ишимизда мулоқот ақтида шакл ва мазмун ифодасига тўхталиб, грамматик ва лексик бирликларнинг мулоқотдаги фаолиятини таҳлил қилиш, структур

грамматика ва лексик таҳлиллардан когнитив ва ижтимоий-лексик таҳлилга ўтиш учун асос бўладиган ёки ўтиш жараёнида кўприк вазифасини бажарадиган бирликлар таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган.

## ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида оғзаки мулоқот акти типлари ва унинг лексик-грамматик хусусиятлари борасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Коммуникатив лингвистиканинг дескриптив методи оғзаки мулоқот лингвистик муносабатда суҳбатдошларнинг ўзаро нутқий фаолиятдаги ҳамкорлиги маҳсули ва унда суҳбатдошларнинг аниқ мақсадини ифодалаш учун локуция, иллокуция ва перлокуция актини изчил ҳамда узвий боғлаб мулоқот актини амалга оширишини, шу асосда мулоқот вазиятлари яралишини кўрсатади.

2. Коммуникатив тилшуносликка алоқадор тадқиқотларда мулоқот матни, яъни дискурс, сўзловчи (адресат) ва тингловчи (адресант), оғзаки мулоқот акти, оғзаки мулоқот тили, коммуникатив грамматика, коммуникатив лексика, фаол лексика масалалари доирасида қисқа вақт ичида сезиларли натижаларга эришган бўлишига қарамасдан, ўзбек тили мулоқот тилшунослигида ечимини кутаётган масалалар эътиборга лойиқ эканлигини тасдиқлайди.

3. Ўзбек тили коммуникатив лингвистикасининг мулоқот борасидаги назариялари оғзаки мулоқот тури, оғзаки мулоқот матни (оғзаки дискурс), оғзаки мулоқот услуби ва оғзаки мулоқот акти типларига оид тадқиқотларда ўз аксини топади.

4. Коммуникатив лингвистик ёндашув оғзаки мулоқот акти яратилишини «муаллиф – мулоқот акти – уни келтириб чиқарувчи асл сабаб воқелиги»нинг таркиб, аниқлик, раволик, ўзаро муносабат, боғлиқлик тамойиллари асосида таҳлил этишни тақозо этади. Бунда сўзловчи мақсадининг диктумдаги ифодасида лексик бирликларни маъно муносабатлари ёрдамида ҳосил бўладиган акт мулоқот маҳсули ва тушуниш объекти сифатида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

5. Дискурсив таҳлилга оид назарий қарашларда оғзаки мулоқот актини тушуниш тингловчининг сўзловчи нутқи асосида «ўз матни»ни яратиши сифатида изоҳланиб, бу оғзаки мулоқот акти орқали амалга оширилган мурожаат ва унга берилган жавоб акти мулоқот доирасида талаб қилинадиган лексик бирликлар, жумладан, дискурс белгилардан мосини танлаш тамойили ҳисобланади.

6. Лингвистик тадқиқотларнинг синергетик методида оғзаки мулоқот актининг турғун ва ўзгарувчи лексик бирликлари таҳлил қилиниб, ўзгаришни келтириб чиқарувчи сабаб ва омилларга изоҳ берилганида, оғзаки мулоқот акти лексик бирликларининг беқарорлик ва барқарорлик ҳолатлари ўрганиладиган жараён эканлиги кўрсатилади.

7. Лингвокультурологик ёндашув оғзаки мулоқот лексиконини индивидуал, ижтимоий гуруҳ ва халқнинг маданий қадриятларни, миллий-ментал фикрлаш тарзини намоён этувчи лингвомаданий бирлик эканлигини эътироф қилади. Бунда лексик бирликлар, хусусан, концептуал ва контекстуал

лексик бирликлар, нутқий этикетлар мавжуд бўлган актларни ўрганиш муайян тилга хос бўлган оламнинг лисоний манзараси илмий талқинини яратишда энг муҳим манба ҳисобланади.

8. Оғзаки мулоқот акти лексиконининг аналитик таҳлили лексиконнинг концептуал ва контекстуал категорияларга таснифланиши, ўз навбатида концептуал категория номинатив, акционал, квалитатив ва куантитатив лексик бирликлар туркумларига, контекстуал категорияси турғун, боғловчи, эмоционал, мурожаат ва модал лексик бирликлар туркумига ажратилган ҳолда тадқиқ қилиниши мумкинлигини кўрсатади.

9. Оғзаки мулоқот актининг социоллингвистик таҳлили объект юзасидан сўзловчининг тингловчига мурожаати ва тингловчининг жавоб акти, мулоқотнинг давомийлигини таъминловчи нутқ актлари кетма-кетлик тартиби, жумлада гап бўлаклари тартиби ва бу тартибининг когнитив омиллар таъсирида ўзгариши каби масалалар коммуникатив грамматиканинг тадқиқот объекти эканлигини белгилаб беради.

10. Оғзаки мулоқот актининг давомийлигини таъминловчи лингвистик воситалар, жумладан анафорик, катафорик ва экзофорик мурожаат шакллариининг кундалик мулоқот вазиятида кенг қўлланиладиган жумлаларнинг морфологик ва синтактик сатҳларда изоҳланиши оғзаки дискурснинг социолект даражасида таҳлил қилиниши мумкинлигини кўрсатади.

11. Оғзаки мулоқот актида анафорик мурожаат мулоқот иштирокчиларига маълум объектга нисбатан қайта мурожаатни, экзофорик мурожаат мулоқот вазиятидан ташқаридаги, яъни мулоқот вазиятида аввал таништирилган объект турига кирувчи, лекин ушбу оғзаки мулоқотда номи айтилмаган, аммо ижтимоий борлиқда мавжуд бошқа объект(лар)га мурожаатни ифодалайди. Катафорик мурожаат эса оғзаки мулоқотнинг таъсирчанлиги ва махфийлигини таъминловчи лингвистик омил бўлиб, бунда мулоқот актида фақат сўзловчи ва тингловчигагина маълум объектга нисбатан мурожаатни акс эттиради.

12. Оғзаки мулоқот актида эллиптик вазиятларнинг юзага келиши мулоқот нутқ вазиятида айрим лингвистик белгиларга эҳтиёж бўлмагани сабабли, сўзловчи мулоқот диктумининг айрим қисмини сир сақлаш истагига кўра, ритуал ёки рисоладаги мулоқотнинг адабий меъёр тамойилларига асосан тушириб қолдирилиши билан изоҳланади.

13. Оғзаки мулоқот актининг эллипсис ва субституция, яъни алмаштириш ходисаларига алоҳида эътибор берилиб, жумладаги гап бўлаклариининг синтетик мазмуни просодик ва визуал элементлар ёрдамида кучаяди, тил белгилари фонетик ва семантик жиҳатдан жипслашади, когнитивлиги ошади, баъзан сўз ва сўз бирикмалари луғавий маъно доирасидан чиқиб, контекстуал маъно ҳосил қилиши натижасида турли стилистик воситалар пайдо бўлишига замин яратади.

14. Оғзаки мулоқот актида субъектнинг диктумга муносабати лексик-грамматик воситалар, жумлада гап бўлаклари тартибининг ўзгариши, жумла ва актларни бир-бирига боғловчи воситалар, модал воситалар, предикатив муносабатлар ва сукут орқали ифодаланади.

15. Сухбатдошларнинг тафаккур, кечинма ва сезги интуиция маҳсули бўлган фикр-мулоҳазалари оғзаки мулоқотда сўзловчининг диктумга муносабатида намоён бўлади, шунингдек, жумлада замон ва аспект танлови мулоқот мазмуни, қолаверса, мулоқотда сўзловчининг тафаккури, кечинмалари ва сезги интуициясига асосан амалга оширилади.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREE  
PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 AT URGENCH STATE UNIVERSITY**

---

**URGENCH STATE UNIVERSITY**

**SAPARBAYEVA GULANDAM MASHARIPOVNA**

**ORAL COMMUNICATION ACT AND ITS  
LEXICAL-GRAMMATICAL FEATURES**

**10.00.01–the Uzbek language**

**DISSERTATION ABSTRACT  
of the doctor of philosophy (PhD) on philological sciences**

**Urgench – 2021**

The theme of the dissertation of doctor of philosophy (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under №B2020.4.PhD/Fil1414.

The dissertation has been prepared at Urganch State University.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English and Russian (resume)) on the scientific council website [www.urdu.uz](http://www.urdu.uz) and on «Ziyonet» Information and Education portal website [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

**Scientific consultant:** **Zaribboy Dusimov**  
Doctor of Philological Sciences, Honored  
Master Scientist of Karakalpakstan

**Official opponents:** **Khudaybergenova Durdona Sidikovna**  
Doctor of philological sciences, professor

**Urazbayev Abdulla Durdibayevich**  
Doctor of philological sciences

**Leading organization:** **Fergana State University**

The Defense of the dissertation will take place on «16» June 2021 10<sup>00</sup> at the meeting of the Scientific Council PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 at Urgench State University (Address: 220100, H. Alimdjan Street, 14. Urgench city. Phone: (+99862) 224-66-80; fax: (+99862) 224-67-00; e-mail: fil-ik.urdu.uz.

The dissertation can be reviewed at the Informational Resource Center of Urgench State University (registered under No. \_\_\_\_\_). (Address: 220100, Kh.Alimdjan Street, 14. Urgench. Phone: (+99862) 224-67-00), (+99893) 9227734; e-mail: arm@urdu.uz.

The abstract of the dissertation is distributed on «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021.  
(Protocol at the register № \_\_\_\_\_ on «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021).



**O.K. Gaylieva**  
The Interim Acting Chairman of the  
Scientific Council awarding of Scientific  
Degree, Doctor of Philological Sciences  
(DSc), docent

**S.M. Sariyev**  
Secretary of the Scientific Council  
awarding of Scientific Degree, Doctor of  
Philological Sciences (DSc), docent

**S.R. Ruzimboyev**  
Chairman of the Scientific Seminar of the  
Scientific Council on Award of Scientific  
Degree, Doctor of Philological Sciences,  
professor

## INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

**Relevance and necessity of the research theme.** In world linguistics, the areas of linguoculturology, cognitive linguistics, ethnolinguistics, pragmatolinguistics, discourse and communicative linguistics are consistently developing in the integrative study of linguistic phenomena. Research in communicative linguistics has found that the act of oral communication, the language of oral communication, communicative grammar, and communicative lexicon are components of oral discourse. In particular, the scope of linguistic research on the speech act, the theoretical foundations of speech culture, the semantics of the speech process, the comparative analysis of language and speech units of the text is expanding. As a result of identifying the cognitive processes that take place during oral communication, it has been proven that the language used in oral communication is directly and indirectly related to human thinking and social activity.

In modern world linguistics, an anthropocentric paradigm theory that directs the scope of linguistic research from object to subject, making man and his activities the most important leading idea in views at all levels of language, has been formed. The research investigations on communication possibilities and its content, the theoretical problems of the text of oral communication, including speech and language signs, language and human factor, the act of oral communication and its lexical-grammatical features have set tasks to study this scientific concept, which is important for a full understanding of the essence and features of language. Such research, based on new paradigms of linguistics, is also relevant for the study of the lexical, semantic and grammatical features of the act of oral communication in the Uzbek language in the linguocultural aspect.

Uzbekistan, which has long been one of the great centers of ancient civilization and culture, is undergoing huge reforms to restore and develop spiritual values, including the comprehensive development of the native language and the expansion of its use. Sh.M.Mirziyoev emphasized this fact and noted, "We all know well that the native language is a solid foundation of the nation's spirituality... The history of the Uzbek language, which belongs to a large family of Turkic languages, is closely linked with the centuries-old history of our people, its dreams and desire, aspirations, success and victories. ... The issue of the state-official language should be one of the main principles of our national idea ...»<sup>50</sup> Therefore, the study of lexical and grammatical features of the act of oral communication in the Uzbek language in relation to the human factor, way of thinking and social activity is the basis for identifying the sources of enrichment of the lexical layer of oral communication.

This research work to a certain extent contributes to the implementation of the tasks set out in the state regulations the edicts of PF-4947 of February 7, 2017 "On the Action Strategy for further development of the Republic of Uzbekistan", No. PF-5850 of October 21, 2019 "On the measures to radically increase the prestige

---

<sup>50</sup> Mirziyoyev Sh. Davlat tili masalasi milliy g'oyamizning asosiy tamoyillaridan biri bo'lishi zarur // Prezident nutqi <http://xs.uz/uz/post/prezident-shavkat-mirziyoevning-ozbek-tiliga-davlat-tili-maqomi-berilganining-o'ttiz-yilligiga-bagishlangan-tantanali-marosimdagi-nutqi>

and status of the Uzbek language as the official language", No. PF-6084 of October 20, 2020 "On measures to further develop the Uzbek language and improve language policy in our country", the decrees of No. PQ-2789 of February 17, Decree No. PF-6097 of October 29, 2020 "On approval of the Concept of development of science until 2030", No. PQ-2995 of May 24, 2017 "On measures to further improve the system of preservation, research and promotion of ancient written sources", No. PQ-4479 of October 4, 2019 "On the broad celebration of the thirtieth anniversary of the adoption of the Law "On the Official Language "of the Republic of Uzbekistan", Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated December 12, 2019 No 984 "On approval of the Regulation on the Department of State Language Development" of the Republic of Uzbekistan related to the activity.

**Correspondence of the research to the priorities of the development of science and technology in the Republic.** This research has been carried out in the framework of the Priority I "Spiritual, moral and cultural development of a democratic and legal society, the formation of an innovative economy" for the development of science and technology in the republic

**The scope of research study of the problem.** Research on the features of everyday oral communication of a particular language first appeared in world linguistics in the 1920s, when the theory of speech act was founded by J. Austin<sup>51</sup>. Later it was studied in detail in scientific views and works by J. Aitchison<sup>52</sup>, N. Wolfson<sup>53</sup>, J.R. Searle<sup>54</sup>, D.G. Ellis<sup>55</sup>, J. Richards<sup>56</sup>, D. Vanderveken<sup>57</sup>, L. Wittgenstein<sup>58</sup>, G. J. Warnock<sup>59</sup>, N. Chomsky<sup>60</sup> and its importance is shown as an important part of any language.

Although the issues of the text of oral communication in Turkish linguistics began in the 80s of the last century, the level of study of other languages, in particular, English, German, Russian, Japanese, Arabic, based on the analysis of their relationship to Turkic languages and it turns out that world linguistics has its own history in a sense<sup>61</sup>.

---

<sup>51</sup> Austen J.L. *How To Do Things With Words*, Cambridge, Massachusetts: Harvard University Press, 1975. – P.184.

<sup>52</sup> Aitchison J. *Linguistics*. London: Hodder and Stoughton, 1993. – P. 133

<sup>53</sup> Wolfson N. *Perspectives in Sociolinguistics and TESOL* Boston: Heinle and Heinle Publisher, 1989. – P. 55-78.

<sup>54</sup> Searle J.R. *Speech Acts: an Essay in the Philosophy of Language*. Cambridge: Cambridge university Press, 1969. – P. 54-71.

<sup>55</sup> Ellis D.G. *From Language to Communication*, New Jersey: Lawrence Erlbaum Associate Publishers, 1992. – P. 139.

<sup>56</sup> Richards J.C. *Language and Communication*, New York: Longman, London, 1983. – P. 473.

<sup>57</sup> Вандервекен Д. Небуквальные речевые акты. В кн.: *Концептуализация и смысл*. – Новосибирск: Наука, 1990. – С. 31 – 61.

<sup>58</sup> Витгенштейн Л. *Философские исследования // Новое в зарубежной лингвистике*. Вып. XVI. – М.: Прогресс, 1985. – С.79 – 128.

<sup>59</sup> Warnock G.J. *Some Types of Performative Utterances*, In Warnock G.J. (ed. *Essays on J.L. Austin*, 1973. – P. 69 – 89.

<sup>60</sup> Chomsky N. *Language and Mind*. – Cambridge: Cambridge University Press, 2000. – P. 88.

<sup>61</sup> Горохова С.И. Фрейм-подход к описанию процесса порождения речи // *Речевые обюения: цели, мотивы, средства*. М., 1985. – С. 89-102; Грайс Г.П. *Логика и речевая обюение*. В кн.: *Новое в зарубежной лингвистике*. Вып. Шк, *Лингвистическая прагматика*. – М.: Прогресс, 1985. – С. 217-23; Дейк Т.А. *Язык. Познание. Коммуникация*. – М.: Прогресс, 1989. – С. 311.



Correspondingly, Uzbek linguists focused on the issue of language in oral communication in their investigations on speech act, colloquial language, art of speech, speech habits in the linguistic fields of semantics, pragma-linguistics, cognitive linguistics, discourse linguistics, lingua-culture-studies, and psycholinguistics. In particular, they are recognized as topical issues of linguistics in the scientific articles and pamphlets by H.Nematov<sup>62</sup>, A.Nurmonov<sup>63</sup>, B.Urinboev<sup>64</sup>, S.Khaldarova<sup>65</sup>, Sh.Rahmatullaev<sup>66</sup>, E.Begmatov<sup>67</sup>, N.Mahmudov<sup>68</sup>, Sh.Safarov<sup>69</sup>, D.Ashurova<sup>70</sup>, G.X.Boqieva<sup>71</sup>, M.Hakimov<sup>72</sup>, O.O.Bozorov<sup>73</sup>, A.M.Bushuy<sup>74</sup>, A.Primov<sup>75</sup>, S.Muminov<sup>76</sup>, H.Musulmonova<sup>77</sup> and many other representatives of modern linguistics.

**Theme Correspondence of the dissertation to the research field of the Higher Educational Institution.** The research has been submitted as a part of the research plan on “Actual problems of Uzbek linguistics” at Urgench State University.

**The aim of the research** is to identify the types of oral communication act in the Uzbek language, to explain the human factor, his way of thinking and social activity, individual lexicon, attitude to the object, the role in communication and other similar lingua-cultural factors in sociolinguistic research.

**The tasks of the research.** To study of lexical and grammatical features and principles of application of the act of oral communication in the Uzbek language;

---

<sup>62</sup> Неъматов Х., Воҳидова Н., Тоирова Г. Структурал тилшуносликдан прагмалингвистикага // Хорижий филология, 4-сон. 2007. – Б. 38 – 41.

<sup>63</sup> Нурмонов А., Ҳақимов М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 4-сон. 2001. – Б.54 – 58.

<sup>64</sup> Б. Ўринбоев. Ҳозирги ўзбек сўзлашув нутқи. 1-2 қисм. – Самарқанд: СамДУ босмахонаси, 2006. – Б. 132.

<sup>65</sup> Халдарова С. Семантико-структурные особенности диалогической речи в современном узбекском языке. АКД. – Ташкент, 1974. – С.5.

<sup>66</sup> Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. – Тошкент, 1970. – Б. 48 –52.

<sup>67</sup> Бегматов Э. Нотикнинг нодир бойлиги. Тошкент,1980. – Б. 43.

<sup>68</sup> Маҳмудов Н. Нутқнинг жўялиги // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. - №3. – Б. 9-13-17; Шу муаллиф. Тил. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. – Б.40.; Шу муаллиф. Ўзимиз ва сўзимиз. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997. – Б. 112.

<sup>69</sup> Сафаров Ш. Речевые действия этноспецифической личности // Личностные аспекты языкового общения. Калинин: КГУ, 1989. – С. 62 – 67; Его же. Система речевого общения: универсальное и этноспецифическое. – Самарқанд: Г.Гулям, 1991. – С. 171. Шу муаллиф. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 91; Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. –Б. 77, 99, 135.

<sup>70</sup> Ashurova D. Language and Culture Studies // Хорижий филология, 4-сон 2006. – Б.11-14.

<sup>71</sup> Бакиева Г. Х. Лингвистические основы анализа художественного текста. Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Ташкент: Уз ГУМЯ, 1993. – С. 46.

<sup>72</sup> Ҳақимов М. Нутқий актлар назарияси. Фарғона, 2020. – Б. 118.

<sup>73</sup> Бозоров О.О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив (актуал) тузилиши. Филол. фанл.номз... дисс. автореф. - Фарғона, 2004. 21 б.

<sup>74</sup> Бушуй А.М. Язык в семантико-грамматическом ракурсе (у истоков лингвопрагматики) // Ҳозирги дунё лисоний қиёфаси ва тилшуносликнинг методологик асослари. – Самарқанд: СамДҶТИ, 2007. – С. 12 – 19.

<sup>75</sup> Primov A. Tilshunoslikning dolzarb masalalari, O`quv qo`llanma. - Urganch, 2016. – В. 61 – 65.

